

ОИЛАДА ТАРБИЯЛНАЁТГАН ФАРЗАНДЛАРНИНГ ЖИНСГА ХОС ТАЪСАВВУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИДА ОТА-ОНА ТАЪСИРИНИ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ

А.Абдуллаева
С.Рахмонов

Фарғона давлат университети

Ўзбекистонда оилани ривожлантиришга глобал даражада, шунингдек, 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантирисҳнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси доирасида эътибор қаратилиб, оилани ривожлантириш масалалари бўйича давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва хусусий сектор ҳамкорлигини йўлга қўйиш, оила ажралисҳлари билан боғлиқ салбий тенденциялар ва муаммолар сабабларини бартараф этиш, замонавий оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш оила фаровонлиги даражасини ошириш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, оилаларга таъсирчан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари белгилаб берилган. Мазкур чора-тадбирлар она шахсининг фарзандлар камолотига таъсири, уларнинг турли оила турлари ва шаклларидан қатъий назар барқарор тарбия муҳитини таъминлашга хизмат қилувсҳи психологик омилларни аниқлаш ва уларни турмушида татбиқ қилиш вазифасини юкламоқда.

Тадқиқотларда ўғил ва қизларни тарбиясида отанинг ҳулқ-атворида кўринарли фарқлар кўринган. Оталар болани гўдалик ва илк болалик даврида қиз ва ўғилни жинсий фарқ қилмаган ҳолда муносабатда бўладилар. Жинсий фарқлаш тарбияда, болани боғча ёш даврида бошланади. Ота ўғилларда маскулин сифатларини, қизларда эса феминин сифатларини шаклланишида катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Маскулин сифатларга: автономлик, мустақиллик, конкурентлик, мақсадга эришиш киради; феминин сифатларга – юқори даражадаги эмпатия, ғамхўрлик, коммуникативлик киради. Отанинг ёки онанинг ўғилга ва қизга бўлган муносабати: ота-онанинг ёшига, эр-хотинни ўзаро муносабатига, оиладаги болалар сонига, бола оиласида неchanчи фарзандлигига ва болани шахс хусусиятларига боғлиқ. Агар эр-хотин муносабатлари яхши бўлса, ота болалар тарбиясига кўпроқ аҳамият берадиган бўлади. Ўзи намуна сифатида ўғил ва қизида жинс мослигига хос хусусиятларини шаклланишида ёрдам беради. Агарда эр-хотин муносабатлари яхши бўлмаса, унда оиласида “она билан қиз отага қарши”, ёки “ота билан ўғил онага қарши” каби вазиятлар юзага келади, бу эса ўз навбатида фарзандларда

шахс ривожланишидаги бузилишларга олиб келади. Яна ота-оналарни кўпинча оиласда қизларда нисбатан ўғилларга кўпроқ эътибор бериши кузатилади.

Эволюция давомида қизлар ўғилларга нисбатан анча жизнестойкий, устойчивый бўлган. Шунинг учун ҳам биологик томондан ўғилларга кўпроқ эътиборли бўлиш оқланган. Ҳозирги замонда ота-она ўрни ўзгариб бормоқда: бунга сабаб, ота-онани тенг ҳуқуқлиги, оналарни ишланши. Буни ҳам олбатта оиласа, фарзандларга яхши томони ҳам, ёмон томони ҳам бор. Оила муҳити ҳар бир шахс учун ана шундай бирламчи, дастлабки ижтимоийлашув ўчғи, маскани ҳисобланади.

Ижтимоийлашувнинг иккиласми масканлари ҳам мавжудки, унга Мехрибонлик уйлари, маҳсус интернатлар ҳамда ҳарбий билим юртлари киради. Чунки у ерда нисбатан узоқ вақт мобайнида бола тарбияланди, ўша ернинг нормалари, қадриятлари ва талаблари таъсирида дунёқараши шаклланади, шахс бўлиб етилади.

Агар дастлабки ёки иккиласми социализациядан чекиниш, ундан маҳрум бўлиш ёки хулқнинг ташқи салбий таъсиrotлар натижасида девиант шаклга келиши қайд этилса, унда илмий тилда айтганда, ресоциализация деб номланган жараён назарда тутилади.

Оилавий ижтимоийлашувнинг қадри ва аҳамияти шундаки, унинг таъсирида биринчидан, шахс катта, мустақил ҳаётга, жумладан, оилавий ҳаётга тайёрланади, ўзига яраша сифат ва фазилатларни шакллантириб боради, иккичидан, ҳар томонлама етук, баркамол, ақлли, соҳ ва саломат шахс бўлиб этишиш имкониятига эга бўлади. Яъни, оила ва унинг соғлом маънавий муҳити болани жамиятда яшашга, ўзига ўхшаш шахслар билан муроса қилиш, ҳамкорликда фаолият юритиш, касб-хунарли бўлиш, муомалада аҳлоқ-одоб нормаларига бўйсунишга ўргатади, психологик жиҳатдан тайёрлайди.

Рус социолог олими А.Антоновнинг таъкидлашича, оила ижтимоий-психологик яхлитлик сифатида шахсга шундай норматив ва ахборот таъсиrlарини кўрсатадики, оқибатда бола энг аввало, жамиятдаги қонуний нормалар, хулқ андозаларини эгаллайди. Оила қанчалик иноқ, уюшган ва мустаҳкам бўлса, унинг норматив таъсири ҳам шунчалик самарали бўлади. Бундай оиласда ўзининг қадриятларидан ташқари, жамиятнинг қадриятлари, қонун-қоидалар ва нормалар ҳурмат қилинади, бола бошидан жамиятда яшашга ўргатилган бўлади. Унинг аҳамияти шундаки, фарзанд мактабгача тарбия муассасасида ҳам, кейинчалик мактаб, коллеж ёки лицейда ўқиганда ҳам тартибли, интизомли, айтилган вазифа, берилган топшириқларни масъулият билан вижданан баждарадиган бўлиб, болалар жамиятида ҳамиша ўзининг ўрнига эга бўла олади. Бундай фарзанждга турли бидъатлар, bemaza чақириқлар, даъватлар таъсир этмайди, мустқил фикрли, пок вижданли инсон бўлиб этишади. Чунки, оила бу кичик жамият, жамиятнинг кичиклашган андозаси, оила мустаҳкам бўлса, жамият ҳам мустаҳкам бўлишини ўзбек халқи жуда яхши

билади, шунинг учун ҳам айниқса, мустақиллик йилларида оила бизнинг Ватанимизда қадрланади, никоҳ муқаддас ришта сифатида эъзозланади.

Албатта, боланинг ижтимоийлашув жараёнига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи бошқа ижтимоий омиллар ҳам мавжуд. Масалан, жамият миқёсида амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлатнинг ёшлар сиёсати, таълим муассасалари ва у ерлардаги таълим ва тарбия стандартлари, диний муассасалар (мачитлар), бозор муносабатлари каби қатор жараёнлар ушбу масаланинг мазмун ва моҳиятини белгилайди. Юқорида айтилган ресоциализация жараёнидан ташқари, оила муҳитининг ўзи ҳам айrim ҳолатларда салбий маънодаги ижтимоийлашувга алоқадор бўлиб қолиши мумкин. Олимлар ўтказилган қатор тадқиқотлар асосида ана шундай омилларнинг қуидаги гуруҳларини ажратганлар:

- ота-оналар ўртасида муросанинг йўқлиги, оилавий ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш борасида аниқ белгиланган аҳлоқий тамойилларнинг мавжуд эмаслиги;
- ота-оналарнинг руҳий носоғломлиги ва қонунбузарлиги;
- яшаш шароитларининг яхши эмаслиги, боланинг тўлақонли ўсиши, дарс тайёрлаши, жисмонан чиниқиши учун шароитларнинг етарли эмаслиги;
- мактаб шароитининг талаб даражасида эмаслиги;
- маҳалла худудида оила обрўсининг яхши эмаслиги, нотинч, ноқобил оила мақомига эгалик;
- глобал ахборатлашув шароитида турли ахборот манбалари, жумладан, интернет тармоғи орқали бола онгига етиб келаётган турли маълумот, ифво, уйдирма, миш-миш, оила қадриятларига зид ахлоқ намуналари ва бошқалар охирги йилларда бола ижтимоийлашувига салбий таъсир кўрсатаётган ижтимоий омиллар жумласидандир.

Юқоридаги ҳолатлар айниқса, глобаллашув даврида оила институтининг бола социализацияси ва ижтимоий тарбиясидаги ўрни нечоғли сезиларли эканлигини исботламоқда.

Ижтимоий тарбиянинг асл маъноси ҳам, вазифаси ҳам боладаги ижтимоий фаолликни ошириш орқали, ундаги ижобий фазилатларни камол топтиришдир. Одатда оилада ижтимоий фаолликни ошириш бола иродасини чиниқтириш орқали амалга оширилади. Чунки, кўпинча ота-оналар болаларининг ақлли, фаросатли бўлиб етишларига эътибор бериб, унинг руҳиятини ҳамда жисмоний қуваатини оширишга, иродасини 28 мустаҳкамлашга беэътибор қоладилар. Бунинг оқибатида бола турмуш суқмоқларида тез қоқиладиган, турли ижтимоий вазиятларда қийинчиликларни енга олмайдиган, руҳияти мўрт бўлиб катта бўлади. Шунинг учун ҳам оилавий ижтимоийлашувда боланинг ижтимоий билимдонлиги, ижтимоий кўникмалар ва уларни оширишга қаратилган чоратадбирларга алоҳида урғу берилади.

Мутахассислар оилавий социализациянинг босқичлари, функцияларини тафовутлаш билан биргаликда унинг ҳар бирида ўзига хос ижтимоийлашув усуллари устивор бўлишини ҳам таъкидлайдилар. Масалан, рус социологи Н.Андреенкова ижтимоийлашув жараёнини икки катта босқичда тасаввур қиласди.

Биринчи босқич - индивиднинг ижтимоий мавжудот сифатида шаклланишини таъминловчи ҳаёт бўлагини ўз ичига олиб, у инсон ҳаётининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этади. Бу даврда асосан боланинг:

- дастлабки илк социализацияси (болалик даври);
- норматив хулқнинг маргинал жиҳатларини ўзлаштириш даври (ўсмирилик даврига тўғри келади);
- ўспириинлиқдан балоғат ёшига ўтиш даврини ўз ичига олган ижтимоийлашув оқибатлари яхлит намоён бўладиган босқич.

Иккинчи босқич - шаклланиб бўлган шахснинг жамиятда фаолият юритиши даврларини ўз ичига олган ҳаёт босқичи. Бунда шахс дастлаб меҳнатга яроқли жамият аъзоси сифатида, сўнгра нақақа ёшига етган инсон сифтаида ўз ўрнига эга бўлади.

Ижтимоийлашувнинг дастлабки йилларида унинг самарадорлиги қўпроқ юқорида таъкидлаганимиздек, оила, ундаги ижтимоий-психологик муҳит ва ота-онанинг тарбиячилик бурчини қандай адо этганлигига боғлиқ бўлса, унинг кейинги босқичларида таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларининг роли ортиб боради. Шунга мос равишда ижтимоийлашув усуллари ҳам турлича бўлади. Кўплаб олимлар ва оила масалалари бўйича мутахассисларни хавотирга солган жиҳат шуки, замонавий оила ўзининг бола шахсини ижтимоийлаштирувчи вазифасини яхши ва тўлиқ адо этмаяпти. А.Антоновнинг таъкидлашича, замонавий оила оилавий турмуш тарзини шакллантира олмаётганлиги сабабли ҳам ўзининг бола тарбияси борасидаги ижтимоий билимдонлигини намоён эта олмаяпти.

Бундан ташқари, Ғарб мамлакатларида ўтказилган тадқиқотларда аксарият аёлларда оналик установкаларининг йўқлиги, бола тарбиялаш хоҳишининг йўқлиги, қўйди-чиқдининг бемалол амалга оширилиши, расман ФХДЁ бўлимларини никоҳни қайд этмай яшаш (фуқаролик никоҳи), ажримлардан кейинги эркак ва аёлнинг ўзаро ёмон муносабатлари болаларнинг ижтимоийлашувига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай эрхотинларнинг фарзандлари бир томондан умуман оила инститтутига ва никоҳга нисбатан салбий қарашларга эга бўлиб, вояга етсалар, иккинчи томондан, уларнинг характеристида асосан худбинлик, эгоизм, агрессивлик каби салбий сифатлар эгаси сифатида шаклланмоқда.

Демак, жамиятда ўз даврига муносабиб, соғлом фикрловчи ёшларни тарбиялаб, вояга етказишнинг муҳим омили бу расмий никоҳда бўлган эрхотинлар оиласининг баҳамжиҳатлика яшашларидир. Психолог олим

В.И.Селиванов оилада шахсни шакллантириш жараёнини ўрганиб, баҳтли болалик – бу оиладаги қувончни, ҳамжихатликни ҳамда ота-оналарнинг болаларига ғамхўрлигининг самарасидир деган хулосага келади. Муаллиф оиланинг йўналишига қараб уч тоифага мансуб эканлигини кўрсатиб беради:

1. Ижтимоий – илғор йўналишдаги оила.
2. Зиддиятли йўналишга эга бўлган оила.
3. Паст даражадаги ижтимоий йўналишга эга бўлган оила.

Биринчи тоифага хос бўлган оилалар биздаги оилаларнинг қўпчилик қисмини ташкил қилади. Бундан оилаларда шахслараро муносабатлар ахлоқ принциплари ва қоидаларидан келиб чиқсан холда амалга оширилади, шунингдек хар томонлама камол топган шахснинг ижтимоий идеали (юксак орзу тимсоли) назарда тутилади. Ижтимоий илғор йўналишдаги оилаларнинг вояга етган аъзолари ишлаб чиқаришда, корхонада, жамоат ишларида фаол қатнашадилар, илғор маданиятга нисбатан қизиқишлиарни намойиш қиласадилар, шунинг билан бу нарсага ўз фарзандларида ҳам хавас уйғотадилар. Оилада гоҳо бўладиган зиддиятларни жуда қисқа муддатда ҳамжихатлик билан бартараф қиласадилар. Ушбу тоифага мансуб оилаларда хўжалик ашёлари, қимматбаҳо материаллар хар-ҳил эҳтиёларни қондириш воситаси сифатида қаралади, бу нарсалар шахснинг келажак истиқболи билан мутлақо боғланмайди.

Иккинчи тоифага мансуб оилада барқарор йўналиш бўлмайди. Оиладаги турмуш муносабатлари узлуксиз равишда бирон-бир ғояни бошқа ғоя билан ўзаро ниқобланган кураши босқичида бўлади. У ёки бу қарашларнинг устунлиги, истиқболи хеч қандай аҳамият касб этмайди. Эр-хотиннинг ёки бошқа вояга етган оила аъзоларининг муросасиз позициялари (нуқтаи назарлари) қўпинча уларнинг феъл атвондига хусусиятларига тафовут негизи билан боғлиқ бўлиб, оилада сўз билан иш бирлиги масаласи бир-бирига қарама-қарши йўналишда бўлади. Бурч хиссигина муайян мажбариётни бажаришгина оила аъзоларининг ўзаро бирлаштириб туради. Мана бундай оилаларда эр-хотиннинг болаларга таъсир ўтказиш кучи кураши, рақобати яққол намоён бўлади.

Учинчи тоифадаги оилаларда қўпинча мешчанлик удуми ва идеаллари ҳокимлик қиласади. Мазкур оилаларда барча нарса ягона нарсага бўйсундирилган, яъни мол-дунё тўплашга, моддий-маиший жихатадан устунликка эришишга қаратилган. Вояга етган оила-аъзоларининг, ота-онанинг корхонада, муассасада, ташкилотда меҳнат қилиши анна шу кўзлаган мақсадга етиши воситаси сифатида, хар қандай меҳнат эса иш хақи миқдори билан ўлчанади. Оила бошлиғининг зўравонлиги, золимлиги, унга кўр-кўронада ва сўзсиз бўйсунишлик сажда қилишлик, заиф ва нимжон оила аъзолари фаоллигини поймол қилишга интилиши ва ҳоказолар устун бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. А.Абдуллаева //ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ// IJODKOR O'QITUVCHI JURNALI. 5 IYUN. 2023 YIL. 30-SON. 479-485 betlar.
2. А.Абдуллаева, Н.Тошболтаева //ОИЛА ВА НИКОҲ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР// INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION.Vol. 2 No. 13, 2023. 129-133. pages.
3. A.R.Abdullayeva //THE SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL INFLUENCE OF THE FAMILY ON THE FORMATION OF A HEALTHY LIFESTYLE// FARS International Journal of Education, Social Science & Humanities. Volume-11. Issue3. 2023. 670-674 pages.
4. A.R.Abdullayeva //PSYCHOLOGICAL FACTORS OF FORMING A HEALTHY LIFESTYLE IN THE FAMILY// ResearchJet Journal of Analysis and Inventions. Volume 4, Issue 3. March, 2023. 43-50 pages.
5. Абдулаева Арофат Рустамовна //ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО И МУНИЦИПАЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ// Uzbek Scholar Journal. Volume-06, July, 2022. 26-29 pages.
6. А.Р.Абдуллаева, М.Р.Абдукаримова //ОИЛАДА АЖРИМЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА НИКОҲ МОТИВЛВРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ// O'ZBEKİSTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMİY TADQIQOTLAR JURNALI. 14-SON. 20.12.2022. 1132-1138 betlar.
7. Рустамовна А.А., //ФАКТОРЫ С. П. ВЛИЯЮЩИЕ НА СЕМЕЙНОЕ ОКРУЖЕНИЕ В ПАТРИОТИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ БУДУЩИХ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ// Зона конференций. 2022. 43-45 стр.
8. Rustamovna, A.A. //BO'LAJAK HARBIY KADRLARINI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHDA OILAVIY MUHIT TA'SIRINI IJTIMOY-PSIXOLOGIK OMILLARI// JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS. Volume-7 | Issue-2| 2022. 35-43 pages.
9. Khalimakhon Ganieva Akhmadkhonovna, Abdullaeva Arofat Rustamovna, Zakirova Dilfuzaxon Saydolimovna //PSYCHOPHYSIOLOGY OF ADDICTION OF NERVOUS PROCESSES AND RAPIDITY OF RECYCLING OF INFORMATION IN YOUTH// International Journal of Early Childhood Special Education. 3(14) 2022.
10. А.Абдуллаева, Н.Тошболтаева //ОИЛА ВА НИКОҲ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР// INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION International scientific-online conference. 23 rd January, 2023. – Canada, Ottawa. 136-140 pages.
11. СОЛИЕВ ФАРХОДЖОН СОДИКОВИЧ, АБДУЛЛАЕВА АРОФАТХОН РУСТАМОВНА, ДЖУХОНОВА НОХИДА ХАЁТЖНОВНА //ФОРМИРОВАНИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И ЭТНОЦЕННОСТНЫХ ОРИЕНТАЦИЙ СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЕЖИ// Материалы Международной заочной научно-

практической конференции: ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ БЛАГОПОЛУЧИЕ СОВРЕМЕННОГО ЧЕЛОВЕКА. Екатеринбург, 2019. 334-339 стр.

12. Рустамовна А.А. //СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА СЕМЕЙНОЕ ОКРУЖЕНИЕ В ПАТРИОТИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ БУДУЩИХ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ// Зона конференции. 2022.

13. Abdullaeva Arofat Rustamovna //SOCIO-PSYCHOLOGICAL FACTORS INFLUENCING THE FAMILY ENVIRONMENT IN THE PATRIOTIC UPBRINGING OF FUTURE MILITARY PERSONNEL// International Conference on Studies in Humanity, Education and Sciences Helsinki, Finland. January 10th 2022. 43-45 pages.

14. Mirzajonova E. ACTUAL PROBLEMS OF INCLUSION IN THE CONTEXT OF SOCIAL PARTNERSHIP. Uzbek Scholar Journal. 2022/5/28. 96-101 pages.

15. Mirzajonova Eleonora Topvoldiyevna, Xomidov Abdullaon Adxam o'g'li //ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОЦЕССОВ МЫШЛЕНИЯ ДЕТЕЙ С НАРУШЕНИЯМИ РЕЧИ, ОБУЧАЮЩИХСЯ В УСЛОВИЯХ ИНКЛЮЗИВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ// FARS International Journal of Education, Social Science & Humanities. Volume-11| Issue-1| 2023. 217-225 pages.

16. Eleonora Topvoldievna Mirzajonova, Odinaxon Raxmanovna Parpiyeva //Modern Special Preschool Education: Problems and Solutions// Journal of Pedagogical Inventions and Practices. Vol. 9. 06-2022. 100-106 pages.

17. Topvoldievna Mirzajonova Eleonora, Abdukadirova, Yulbarsovna Laura //Actuality of psychological support in work with children from the risk group// ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, Volume 12 | Issue 6 | 2022. 51-56 pages.

18. Abdukadirova Laura Yulbarsovna //Actual questions of psychological research of laziness among pupils// Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities. Volume 12 | Issue 5 | 2022. 318-323 pages.

19. Eleonora Topvoldiyevna Mirzajonova, Rasuljon Raxmonali o'g'li Tilavoldiyev //O'SMIR YOSHDAGI O'QUVCHILARDA AXBOROTDAN FOYDALANISH MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHNING ILMIY NAZARIY ASOSLARI// International Journal of Education, Social Science & Humanities. FARS Publishers. Volume-11. Issue3. 2023. 660-669 pages.

20. Eleonora Topvoldiyevna Mirzajonova, Dostonbek Muxtarjon o'g'li Masharipov //INKLYUZIV TA'LIM OLAYOTGAN BOLALARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARINI PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK O'RGANISH// INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM: a collection scientific works of the International scientific conference 25 th March, 2023. Washington, USA: "CESS", 2023. Part 28. 192-199 pages.

21. Pulatova, G., & Muhammadjonov, J. (2023). 5-6 YOSHLI MAKTABGACHA YOSHDAG'I BOLALARNING NUTQINI RIVOJLANTIRISHDA ERTAK VA MAQOLLARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI. Евразийский журнал академических исследований, 3(5 Part 3), 48-58.

22. Пулатова, Гулноза //Theoretical analysis of the study of the phenomenon of bilingualism// Общество и инновации 2.6/S (2021): 200-204.
23. Pulatova, G.M. //WAYS TO INFLUENCE THE CHILD'S PSYCHE THROUGH FAIRY-TALE THERAPY// Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества. 2020.
24. Pulatova Gulnoza, Toshboltaeva Nodira, //Conflict logical Competence of the Teacher as A Condition for Positive Interaction in the Educational Environment// Eurasian Journal of Research, Development and Innovation. Volume 14| November, 2022. 14-17 pages.
25. Mamajonova Shoxista Kamoldinovna //BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA IJOBIY MUNOSABAT USULLARINI SHAKLLANTIRISH// Таълим ва инновацион тадқиқотлар журнали 2022 йил №. 12. 333-337 бетлар.
26. Mamajonova Shokhista Kamoldinovna, Mamaziyayeva Charoskhan Mirzamirovna //Formation of Positive Attitude Methods in Primary Class Students// Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching. Volume 14| November 2022. 87-91 pages.
27. Mamajonova Shohista Kamolovna //THEORETICAL FOUNDATIONS OF MEMORY PROCESSES AND THEIR SPECIFICITY IN PRESCHOOL AGE// GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ). Vol. 10, Issue 3, Mar. (2022). 145-148 pages.
28. Mamajonova Shokhista Kamoldinovna //THE RELATIONSHIP BETWEEN PARENT AND CHILD AS A FACTOR IN THE FORMATION OF THE ADJECTIVAL HULK DURING ADOLESCENCE// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. VOLUME 2, ISSUE 5. MAY, 2023. 155-160 pages.
29. МАМАЖОНОВА Шахиста Камолдиновна, ХОШИМОВА Зульфизар //O'SMIRNING O'Z-O'ZIGA ВАНО BERISHI ADDIKTIV XULQ SHAKLLANISHIGA TA'SIR KO'RSATUVCHI OMIL SIFATIDA// ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР журнали. №5, 2023. 104-108 бетлар.
30. MAMAJONOVA Shoxista Kamoldinovna, PO'LATJONOVА O'g'ilxon Adhamjon qizi //O'SMIRDA DIQQAT BARQARORLIGI, O'QITISHNING MAZMUNDORLIGI, MANTIQIYLIGINI OSHIRUVCHI OMIL SIFATIDA // ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР журнали. №4, 2023. 72-76 бетлар.
31. Mamajonova S. //SPEECH OF PRESCHOOL CHILDREN MODERN METHODS OF DEVELOPMENT //Конференции. – 2020.
32. Toshboltayeva Nodira, Mamajonova Shoxista, Pulatova Gulnoza, Karimianova Yoqutkhon, Djalolova Mohinur //Exploring the development of creative thinking in small school students// International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE). Vol 14, Issue 02. 2022. 5701-5707 pages.